

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги  
Бухоро давлат университети**



**АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ  
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ: АДАБИЙ ЖАРАЁН, ҚИЁСИЙ  
АДАБИЁТШУНОСЛИК, УСЛУБШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК  
МАСАЛАЛАРИ**

**Халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуман  
материаллари  
ТЎПЛАМИ**

**Бухоро - 2022**

моҳиятини тақозо этади. Шуни унутмаслик керакки, Кафка бу ерда бир ҳашорот кўнғизга айланиб қолган одамнинг қандай инсонлик мавқеи йўлиб бораётганини тушунмаганларга қарата айтган энг катта ҳайқириғидир. Мана шу тамойил нореалистик ҳикоялардаги асл ифода усулининг рамзларга асосланганини кўрсатишдан иборат бўлиши ҳаққоний ифодасини топган.

“Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўсмұхаммад, Исажон Султон, Назар Эшонкул, Улуғбек Ҳамдам ва яна янги-янги бадиий услубий изланишлар олиб бараётган адибларимизнинг хизмати адабиётимизни янги босқичга кўтариши билангина эмас, айти вақтида, янги типдаги бадиий дидли ўзбек китобхонлари оммасининг шаклланишига туртки бераётган ижобий таъсири билан қимматлидир. Бу ёзувчиларимиз ҳамда Кафка, Камю, Пруст, Жойс асарлари таржималари таъсирида шакилланган китобхонларимиз, жаҳон адабиётининг мураккаб структурали асарларини идрок этишда халқаро миқёсдаги илғор китобхонлар даражасига кўтарилмоқдалар”. Кўриб ўтганимиздек, янги даврнинг ўз адабий-бадиий қарашлари тағзамирида ХХ аср бошларида юзага келган жаҳон адабиётида мазмун ва ифода қилиш усулидаги эврилишларнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини далолатламоқда. Бу жараён нореалистик ҳикояларнинг ҳам барқарорлашиб, боришини тайин этажак.

Умуман, ёзувчилар олам ва одам тасвирида қалб диалектикасига амал қилган ҳолда, ўзидан олдинги анъаналарни янгилаш, янгича ифодалаш йўсинини такомиллаштириш йўлида тинимсиз изланишлар олиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Бугун биз вақтнинг исқанжасида қолган оловон руҳиятини англайтиш йўлида боряёмиз. Жилд-жилд китоблар ҳам эндиликда муҳим эмас. Муҳими воқеликни етказишда талқинни чегаралаб олишдир. Зеро, янгиланаётган бадиий тафаккурнинг ижтимоий-психологик асослари шундай дейишимизга туртки бермоқда.

Адабиётлар руйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.
2. Исажон Султон насри бадиияти. –Т., “Турон замин зиё”. 2017. –Б.177.

#### **Ч. ДИККЕНСНИНГ “НИКОЛАС НИКЛБИ” РОМАНИДА ТАЪЛИМ МАСАЛАСИ** **Сафарова Зилола Толибовна, БухДУ катта ўқитувчи** **Ўраева Дармон Саидахмедовна, БухДУ профессор**

**Annotation:** Ch. Dickens is a great novelist who tried to illustrate the problem of education in almost all of his works. This article deals with the analysis of the issue of education in the novel “Nickolas Nickleby”.

**Key words:** novel, education, bildungsroman, realism, Ch, Dickens.

Ч. Диккенснинг асарлари ўз давридаги бошқа ижод намуналаридан ёрқин тасвирларга бойлиги, ижтимоий жамиятдаги нуқсонларни очик-ойдин фош қилгани билан ажралиб туради. Ҳинд олими Б.П. Чаудхури (1992) Ч. Диккенс ижодини шундай таърифлайди: “*Dickens has a unique position in English literature for his special form of self-expression in prose, fiction. Dickens’s artistic method, his choice of material and his manner of rendering that material, is Dickens’s style*”. [3] – “Диккенс инглиз бадиий адабиётида ўзига хос ифода услуби билан алоҳида ўрин эгаллайди. Диккенснинг бадиий усули, материал танлаши ва бу материални ифодалаш тарзи унинг оригинал услубини ташкил қилади.” Чарльз Диккенснинг таълим-тарбия масаласига, бу билан боғлиқ жамиятдаги муаммоларга безътибор эмаслиги деярли барча асарларида сезилади. Жумладан, “Катта умидлар” ҳамда “Девид Копперфилд” асарларида таълим-тарбия масаласи бош мавзу даражасига чиқарилади. “Николас Никлби” асарида ҳам ёзувчи Йоркшир мактаблари мисолида бу долзарб мавзуга мурожаат қилади. “Оливер Твист”даги “Меҳнат уйлари” (Workhouse), “Николас Никлби”даги “Дотбойс Холл” (Do-the-boys Hall) мактаби, “Девид Копперфилд” даги “Салем Хаус” (Salem Hause) каби таълим-тарбия даргоҳлари ёзувчи яшаган даврда

мавжуд бўлган айрим мактабларнинг асл манзарасини борича, ортиқча бўёқларсиз ёритиб беради. Уларда Диккенс реал ҳаётини воқеалар, жамиятда ҳукм сурган жирканчликлар, ожиз болаларга қилинган адолатсиз муносабатлар ҳақида ҳикоя қилади.

Айниқса, “Николас Никлби” асарида юқорида санаб ўтилган иллатлар очик-ойдин ёритиб берилган. Унда “Дотбойс Холл” мактабининг аянчли аҳволи, болалар учун яратилган даҳшатли муҳит ҳамда мактаб эгаси Сквирснинг золимлиги тасвири ёзувчи томонидан жуда таъсирли ифодаланган. Романнинг кириш қисмида муаллиф буларнинг ҳеч бири муболаға эмаслиги, барчаси реал воқеаларга асосланганлигини таъкидлайди. [5,3] Диккенс Йокширдаги бундай мактаблар ҳақида илгари эшитган бўлиб, асарни ёзишдан олдин у ерга бориб, бир нечта мактабни ўз қўзи билан кўради ва Уильям Шоу раҳбарлигидаги “Болалар Академияси” (“Boys Academy”) мактабида айнан шундай манзараларга гувоҳ бўлгани ҳақида рафиқасига ёзган хатида айтиб ўтади. [11] Мана шу реал тасвирлар асарни янада бойитиб, бадиий қимматини оширган.

Асар қаҳрамони ўн тўққиз ёшли Николас отаси ҳеч қандай мерос қолдирмай оламдан ўтгач, моддий қийинчиликда қолади ва онаси ҳамда синглиси билан Лондонга, ўзига тўқ амакисининг олдига ёрдам сўраб келади. Уларни ўзига ортиқча бош оғриғи деб ҳисоблаган амакиси Ралф Никлби жиянидан қутулиш учун узоқ Йоркшир шаҳарчасидаги кичкина мактабга ўқитувчилик қилишга юборади. Оиласини таъминлаш учун бошқа чораси бўлмаган Николас, арзимаган маош таклиф қилинганига қарамай, бу ишни қабул қилади. Рус олимаси Ю.С. Камардина асарни таҳлил қилар экан, муаллиф мактаб раҳбари жаноб Сквирсни педагокка мос бўлмаган кўринишда гавдалантирганини (кўпол гапирадиган, бесўнақай кийинган, бир кўзли) ва бу ҳолатга аҳамият бермаган Никлбининг нақадар содда бўлганлигини таъкидлайди.[4,56] Катта умидлар билан Йокширга келган Николас кутилмаган даҳшатли ҳақиқатнинг гувоҳи бўлади. Мактаб директори Сквирснинг фирибгарлик қилаётгани маълум бўлади. У ота-онаси истамаган (ноқонуний туғилган ёки ногирон) болаларни йилига 20 фунт эвазига олиб келар, уларга шафқатсиз муносабатда бўлиб, очлик азобида кун кечиршига мажбур қиларди. Болалар ва мактаб учун иложи борича кам пул сарфлаб, пулнинг асосий қисмини чўнтагига урарди. Унинг рафиқаси Сквирс хоним ўзидан-да золим бўлиб, болаларни тинимсиз калтаклаб, ҳақоратлаб хузурланарди.

Мактабнинг дастлабки тасвири – “*the school was a long, cold-looking house, one storey high, with a few straggling out-buildings behind, and a barn and stable adjoining*”. [1,99] (“Мактаб орқасида омборхона, отхона ва бошқа эгри-бугри бинолар қўшилиб кетган бир қаватли узун, совуқ кўринишдаги уй эди”) – кишида у ерда қандай шароитлар бўлиши мумкинлиги ҳақида илк тасаввурларни пайдо қилади. Синфнинг аҳволини эса муаллиф энг нозик лексик, синтактик ва стилистик бадиий воситалар ёрдамида, ҳеч бир кичик детални назардан қочирмай тасвирлайдики, китобхон кўз олдида бу хонанинг тўлик манзараси гавдаланади. Николас хонага кириб атрофни кўздан кечирар экан, унинг бўш ва ифлос хоналигини, бир жуфт деразанинг ўндан бир қисмида шиша борлиги, қолган қисми эски дафтар ва қоғозлар билан ёпилганини, бир-икки жуфт узун, эски, омонат турган парталар қирилган, кесилган, ранг тўкилган ва имкони борича зарар етказилганини, шифтнинг омборхонаникидек тиргакланганини кўрди. Деворлар шунчалик доғ ва рангсиз эдики, у қачонлардир рангланган ёки оқланган деб ўйлаш имконсиз эди. (*The place resolved itself into a bare and dirty room, with a couple of windows, whereof a tenth part might be of glass, the remainder being stopped up with old copy-books and paper. There were a couple of long old rickety desks, cut and notched, and inked, and damaged, in every possible way; ... The ceiling was supported, like that of a barn, by cross-beams and rafters; and the walls were so stained and discoloured, that it was impossible to tell whether they had ever been touched with paint or whitewash*). [1,111]

Муаллиф мактабдаги болаларнинг кўринишини тасвирлашда сўзлардан шундай моҳирлик билан фойдаланадики, болаларнинг бу оғир аҳволи анчадан буён давом этаётганини китобхон осонгина англаб етади: “*Pale and haggard faces, lank and bony*

*figures, children with the countenances of old men, deformities with irons upon their limbs, boys of stunted growth, <...> young lives which, from the earliest dawn of infancy, had been one horrible endurance of cruelty and neglect*”.[1,111] – Кўришиб турибдики, болаларнинг оқарган ва озғин юзлари, кўпол ва қоқсуяк қомавлари, уларнинг гўдаклик чоғиданоқ шундай азобли ва меҳрсиз ҳаёт кечирибга маҳкум бўлганликларидан дарак берилади. Бу тасвирлар орқали муаллиф болаларнинг нафақат жисмоний заифлиги, балки руҳий тушқунлигини ҳам кўрсатиб беради. Калтакланиш, очлик, оғир меҳнат – мактабдаги “таълим”нинг ўзагини фақатгина шулар ташкил қиларди. Бундай мактабда шахсий ўсиш ва ривожланишдан асар ҳам йўқ эди.[5] Воқеалар ривожини кузатар эканмиз, Сквирснинг ўзи қанчалик саводсиз, тарбиясиз одам эканлиги янада кўпроқ намоён бўлиб боради. Биринчи кун Николас мактабга келганидаёқ Сквирснинг “амалий таълим” методи билан юзлашади. Меҳмонхона деразасини юваётган болани “ювмоқ” феълининг шакллари, боғда ишлаётган болани эса ботаникани ўрганаётганини айтади. Учинчи болага “от” нима деб савол беради ва ундан жавоб олгач отхонага бориб отларга қарашини буюради. Бу ерда болаларга таълим бериш эмас, уларнинг меҳнатидан фойдаланиш муҳим эканлиги аёнлашади. “Дотбойс хол”да ўтадиган кунни адиб куйидагича ифодалайди: *At one o'clock, the boys, having previously had their appetites thoroughly taken away by stir-about and potatoes, sat down in the kitchen to some hard salt beef, of which Nicholas was graciously permitted to take his portion to his own solitary desk, to eat it there in peace. After this, there was another hour of crouching in the schoolroom and shivering with cold, and then school began again*.[1,115]

Англашиляптики, болаларнинг иштаҳаси атайлабдан бўғиб қўйилган, бунинг сабаби эса уларнинг овқатига камроқ харажат қилиш эди. Бундан ташқари синфхонасининг совуқ эканлиги ҳам болалар учун шароит яхши бўлмаганини билдирилади. Ўз фойдасидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган Сквирс болалар унга сўзсиз итоат этишларини, бирор иш буюрса, савол бермай дарҳол бажаришларини истади ва бунга болаларни доимий равишда хивчин билан савалаш орқали эришади. Унинг бу калтакларидан энг кўп сийланган бола Смайк – бошқа болалардан анча каттароқ бўлиб, умр бўйи таёқ еб ўсганидан ақли ривожланмай қолган эди. У учун ҳеч ким пул тўламай қўйгани туфайли унга текин хизматкор сифатида қараларди, барча оғир ишларни бажаришига қарамай, қорни тўйиб овқатланмас, бирор ширин сўз эшитмас эди. Хуллас, “Николас Никлби” асарида Ч. Диккенс ёвуз Сквирс образи ва унинг қоқлик ва ноҳақлик ин қурган мактаби мисолида ўз даврининг жирканч томонларини очиб берган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Charles Dickens. *Nicholas Nickleby*. Global Grey e-books, 2020. – 988 p.
2. Safarova, Z. (2022). Реалистичное художественное изображение жизни сирот в романе Диккенса «Оливер Твист». ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 13(13). извлечено от [http://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/6680](http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/6680)
3. Ali Albashir Mohammed Alhaj. Charles Dickens's David Copperfield: New Critical Reconsiderations. *English Language and Literature Studies*; Vol. 5, No. 4; 2015, ISSN 1925-4768 E-ISSN 1925-4776
4. Камардина Ю.С. Творчество Ч. Диккенса и английский роман воспитания XIX века: учеб. пособие для студентов профиля подготовки «Иностранный язык» — Балашов : Николаев, 2016. — 76 с.
5. David Paroissein. A comparison to Charles Dickens. Blackwell, 2008. – P.319.
6. Махмудова Н.А. Чарльз диккенс и жодида тарбия романи жанри типологияси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент , 2020. – Б. 84.
7. Rajabov Akham Uktamovich, & Jalilova Lola Jalilovna. (2022). THE ROLE OF PSYCHOLOGISM IN THE DEVELOPMENT OF A LITERARY GENRE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 11, 37–42.

8. Niyazova M. THE CLASSIFICATIONS AND FUNCTIONS OF POETONYMS IN LITERARY TEXT //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 10. – №. 10.

9. Niyazova M. Daily life blessing in English and Uzbek literature //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.

10. <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=4773949442069071604&btnI=1&hl=ru>

11. <https://www.bl.uk/romantics-and-victorians/articles/nicholas-nickleby-and-the-yorkshire-schools>

## INGLIZ ROMANLARIDA IT ZOOSEMASINING TURLI XIL TALQINI

**U.S.Toirova Buxoro davlat universiteti**

Ingliz adabiyotshunosligi kafedrası

Zoosemiya- bu hayvon nomlari inson xususiyatlarini belgilash uchun qo'llaniladigan semantik o'zgarish jarayoni. MacWhinney (1989) ta'kidlaganidek, inson bilan bog'liq metaforalar hayvonlar xususiyatlari dunyosi va inson xususiyatlari dunyosi o'rtasida o'rnatilgan ma'lum bir izomorfizmga ishora qiladi.

Bu termin ingliz tilshunosligida 80 yillarda paydo bo'lib, 2000 yillardan so'ng bu termin yuzasidan ko'plab ishlar olib borilgan. Biz ham o'z maqolamizda It zoosemasini ingliz romanlari misolida o'rganib tahlil qilishga harakat qildik.

Biz ingliz romanlarini tahlil qilar ekanmiz undagi bayon etilgan mavzular haqida to'xtalib o'tsak. Ayniqsa Ingliz adabiyotining afsonasiga aylangan "Greyfriar Bobby" timsolini Ingliz yozuvchisi Eleanor Atkinson zo'r mahorat bilan ko'rsatishga harakat qilgan. Quyidagi keltirilgan misralar fikrimiz dalilidir.

1) *"Gentlemen, your indulgence for a moment, to drink another toast to a little dog that is said to have slept on his master's grave in Greyfriars churchyard for more than eight years. Sergeant Scott, of the Royal Engineers, vouches for the story and will present the hero".*

*"You see he's a well-knit little rascal, long and low, hardy and strong. His ancestors were bred for bolting foxes and wildcats among the rocky headlands of the subarctic islands. The intelligence, courage and devotion of dogs of this breed can scarcely be overstated. There is some far away crossing here that gives this one a greater beauty and grace and more engaging manners, making him a 'sport' among rough farm dogs—but look at the length and strength of the muzzle. He's as determined as the devil. You would have to break his neck before you could break his purpose. For love of his master he would starve, or he would leap to his death without an instant's hesitation." All this time the man had been stroking Bobby's head and neck. Now, feeling the collar under the thatch, he slipped it out and brought the brass plate up to the light.*

Quyida keltirilgan parcha Greyfriar Bobby hikoyasi asosida yaratilgan romandan olingan bo'lib unda Jon Greyva Bobby haqida fikr yuritilar ekan, Jon itni o'zi bilan olib yurgan hamrohi sifatida unga kishi ismini ya'ni Bobby deb nom beradi. U offiser bo'lganligi uchun, iti bilan doimo Shotlandiya ko'chalaridagi tinch totuvlikni ta'minlaydi, hamda qishning sovuq kunlarida u shamollab, tuberkuloz kasaliga duchor bo'lib, bu olamni tark etadi. Jon Edinburgning Eski shaharchasidagi Greyfriars Kirk atrofidagi qabristonda dafn qilindi. Dafn marosimida itning aqlliligi, donoligi, sadoqatliligi va jasorati alohida ehtirom ila tilga olinadi. Ayniqsa uning ajdodlarining kelib chiqishi, hamda bu jajji itning o'z egasiga bo'lgan mehri ham bo'lakch ekanligini ta'kidlab o'tish joiz. Sababi har doim sodiq hamroh bo'lgan Bobbi xo'jayinining o'limi uchun 14 yil motam tutdi. 1872 yilda o'limigacha qabrini qo'riqlagan.

Xo'jayinining dafn marosimidan bir kun o'tib, qabristonning qo'riqchisi Jeyms Braun Bobbini yangi qurilgan tepalik tepasida yotgan holda topdi. Kirkyardda itlarga ruxsat berilmagani uchun Bobbi haydab chiqarildi. Ertasi kuni ertalab qo'riqchi Bobbi xo'jayinining qabriga qaytib kelganini aniqladi. Itning o'z egasiga ko'rsatgan muruvvati va sadoqati albatta tahsinga sazovordir. Ushbu parchadagi It timsoli A.A. Kipriyanova va KEILTIKA tadqiqotiga

<b>2- ШЎБА. АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК, АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАР, АДАБИЁТДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА МАЎНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ. ....</b>	<b>53</b>
Dr. Firuze Güzel. THE FALL OF IDEOLOGIES GRAPES OF WRATH AND FAREWELL GUL'SARY!.....	53
Кондратьева Ирина Германовна, Хисматуллина Люция Гумеровна. ЭКСПРЕССИВНОСТЬ И СТИЛИСТИЧЕСКОЕ СВОЕОБРАЗИЕ РАССКАЗОВ К.МЭНСФИЛД.....	53
Дилрабо Қувватова. СЎНГГИ ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИДА МОДЕРН ИЗЛАНИШЛАР.....	55
Алланазарова Феруза Каримбердиевна. ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ЗАМОНАВИЙ НАСР ТАКОМИЛЛИ.....	58
Сафарова Зилола Толибовна, Ўраева Дармон Саидахмедовна. Ч. ДИККЕНСНИНГ “НИКОЛАС НИКЛБИ” РОМАНИДА ТАЪЛИМ МАСАЛАСИ.....	59
U.S.Toirova. INGLIZ ROMANLARIDA IT ZOOSEMASINING TURLI XIL TALQINI .....	62
Odinaeva Nilufar Lukmonovna, Khudoyberdieva Kamola. THE TRAGEDY IN "MARTIN EDEN" BY JACK LONDON .....	64
Shaymardanov Abror Hamid o'g'li, Juraev Shohruh Baxtiyorovich. TABIIY TILNI QAYTA ISHLASH NAMUNALARI VA ULARNING XORIJIY TILLARNI O'RGANISHDAGI O'RNI.....	67
Муқимова Гулнора Рашидовна. ФИТОМОРФ МЕТАФОРЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ .....	69
Рўзиев Я.Б. ВИЛҲЕЛМ ФОН ҲУМБОЛТ ТАЪЛИМОТИДА РУҲИЙ ҚУВВАТ БИЛАН ТИЛНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ МАСАЛАСИ .....	71
Худойкулова Мархабо Ахадовна. МЕСТО ЖАНРА ПОЛЕМИКИ УЗБЕКСКОМ ЛИТЕРАТУРНОМ КРИТИКЕ .....	74
Jalilova Lola Jalilovna, Axmedova Mohinur Farhodovna. PSIXOLOGIZMNING MUHIM JIHATLARINI J.K. ROVLINGNING “GARRI POTTER VA HIKMATLAR TOSHI” ASARI ORQALI TAHLILI.....	76
Каримова Шахнозахон Каримовна. АСҚАР МАҲКАМ ШЕЪРЛАРИДА ИНВЕРСИЯ .....	79
Ollomurodov Arjunbek Orifjonovich. COGNITIVE STUDY OF METAPHORS: STRUCTURE AND USAGE.....	80
Qurbonova N. , Karimova Dilshoda Erkinovna. UILYAM BLEYKNING “LONDON” SHE'RIDA METAFORALARNING QO'LLANISHI .....	82
Jalilova Lola Jalilovna, Nematova Ro`zigul. O'ZBEK ADABIYOTIDA MILLIY RUHIYAT TASVIRI.....	84
Maftuna Yoriyeva, Nodira Roziqovna Qurbonova. JEYMS FENIMOR KUPERNING IJOD YO'LI BOSQICHLARI .....	86
Tursunova Zarina. KEYT SHOPINNING “THE AWAKENING” ASARIDA FEMINIZM MAVZUSI .....	89
Choriyeva Muxlisa, Yandashova Munisa. THE IMPACT OF THE SECOND WORLD WAR ON THE LIVES OF PEOPLE IN REMOTE VILLAGES AND THE DEPICTION OF NATIONAL CHARACTERS REFLECTED IN “BETWEEN TWO DOORS” BY UTKIR HOSHIMOV .....	91
O.X.Ganiyeva, N.B. Aminova. JON STEYNBEKNING ASARLARIDA IJTIMOIIY MUAMMOLAR TASVIRI.....	93
Mohinur Raxmiddinovna Sayliyeva. MARGARET MITCHELLNING “SHAMOLLARDA QOLGAN HISLARIM” ASARI FUNKSIONAL-DISKURSIV TAHLIL OBYEKTI SIFATIDA .....	95
Tukhtayeva Farida Ismatullayevna. CHINESE IN THE WORKS OF US WRITERS .....	98
Hamroyeva Sharifa Shukur qizi. VALTER SKOTT VA ABDULLA QODIRIY ASARLARIDA TARIXIY HAQIQAT VA BADIY TO`QIMA.....	100
Muxlisa Choriyeva Jumamurodovna. INGLIZ ADABIYOTIDA “G'URUR/QADR-QIMMAT” MOTIVINING IFODALANISHI .....	102